БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 192 (19.568). • 1986 йил 20 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «ШИМОЛ ВА СИБИРЬ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИНИНГ БИР ҚИСМИНИ БУРИБ ЮБОРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Шимол ва Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини буриб юбориш проблемаларининг экологик ва иқтисодий жиҳатларини қўшимча равишда ўрганиш зарурлигига асосланиб (жамоатчиликнинг кенг доиралари ҳам шу фикрни билдирмоқдалар) ҳамда молиявий ва моддий ресурсларни сув ресурсларидан ва мавжуд мелиорацияланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишларни бажаришга жамлаш мақсадида Шимол дарёлари оқимининг бир қисмини Волга дарёсига буриб юбориш соҳасидаги лойиҳалаш ва тайёргарлик ишлари ўтказилишини ҳамда Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Ўрта Осиёга ва Қозоғистонга буриб юбориш билан боғлиқ бўлган лойиҳа ишланмалари бундан буён амалга оширилишини тўхтатишни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

СССР Госпланига, СССР Давлат агросаноат комитетига ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига мазкур ишларни бажаришга оид топшириқларни 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган планлардан чиқариб ташлаш топширилди.

СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ҳамда РСФСР Министрлар Советига ушбу қарорга мувофиқ бўшаб қоладиган маблағлар ва моддий ресурсларни РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасидаги ерларни мелиорациялашга, Волга дарёси ҳавзасидаги суғориш системаларини реконструкция қилиш ишларини кенгайтиришга сарфлаш таклиф қилинди.

СССР Фан ва техника давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига ҳар томонлама иқтисодий ва экологик тадқиқотлар ўтказиш, замонавий иқтисодий-математик усуллардан ва техникавий воситалардан фойдаланиш, шунингдек, бу ишдаги Ватан ва чет эл тажрибасини чуқур анализ қилиш асосида сув ресурсларини регионлар ўртасида қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган илмий проблемаларни ўрганишни давом эттириш топширилди.

СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ишлаб турган суғориш системаларини реконструкция қилиш, интенсивлашнинг ҳамма омилларидан — деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларидан, индустриал технологиялардан, суғоришнинг илғор усулларидан, янги машина ва механизмлардан комплекс фойдаланиш, минерал ва органик ўғитларни, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ва шу кабиларни самарали ишлатиш асосида суғорма ерлар самарадорлигини анча ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари ва ҳаракат программасини белгилаб олишлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига, саноат министрликлари ва идораларига сув ресурсларидан ишлаб чиқариш, турмуш, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ва бошқа эҳтиёжлар учун тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳар бир корхона ва ташкилот учун конкрет топшириқлар белгиланишини назарда тутиш, шу тариқа ҳозирги беш йилликда мазкур мақсадлар учун сув сарфини камида 15—20 процент қисқартиришга эришиш юзасидан таъсирчан чораларни амалга оширишни таъминлаш таклиф этилди.

СССР Госпланига, СССР Фан ва техника давлат комитетига, СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Фанлар академиясига ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, Қирғизистон ССР Министрлар Совети, Тожикистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон ССР Министрлар Совети иштирокида вужудга келаётган демография ва сув хўжалиги вазиятини, агросаноат ишлаб чиқариши ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари структурасини такомиллаштиришни эътиборга олиб, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Комплекс программасини ишлаб чиқиш топширилди.

Шу масалага оид маълумотнома СССР Министрлар Советига 1987 йилнинг I кварталидан кечиктирмай топширилиши керак.

# ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— БЕШ ЙИЛЛИККА!

ТИНЧЛИК — ХАЛҚЛАР ОРЗУСИ

## ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Америка милитаристларининг ядровий қуролларни синашни тўхтатишдан бош тортаётганлиги, қуролланиш пойгасини авж олдираётганлиги Ер юзи халқларини ғазаблантирмоқда. Бизнинг мамлакатимиз бу йўлдан бормайди. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси — дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан дўст бўлиб, яратувчилик меҳнати қўйнида тинч-осойишта ҳаёт кечириш! КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган Баёноти бунинг ёрқин намойишидир.

Партия ва ҳукуматимизнинг инсоният тақдирини ўйлаб, ядровий қуролларни синашни яна тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги навбатдаги қарори бригадамиз аъзоларини тўлқинлантириб юборди. Биз, дала меҳнаткашлари эл-юрт, қолаверса, бутун дунё тинчлиги йўлидаги бу ғамхўрликка ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан жавоб берамиз. Истагимиз: она-Ватан қудратига қудрат қўшилгай, самовий урушлар программаси ўрнига самовий ТИНЧЛИК программаси бўлсин!

**Гулчеҳра МЎМИНОВА,**
**У. Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, КПСС XXVII съезди делегати.**

## ИЗЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

### I. ҚАЙТА ҚУРИШ ЖОНКУЯРИ

Тажрибали кишигина ўз иш жойида туб бурилиш қила олади. Тажриба маҳорат билан, жадаллаштириш талаблари билан уйғунлашиб кетсачи? Бундай тақдирда самарадорлик баракаси яна ҳам салмоқли бўлади.

Ишга ижодий муносабат! Бу жуда катта маънони англатади. Шу талабга яраша ишлаётганлар билан фахрланса арзигулик. Бундай кишилар ўз иш участкаларида катта манфаат келтирадилар.

Владимир Мартюшев шундай мутахассис. Исми шарифи ёнига новатор, рационализатор деган сифатлар қўшиб айтилса, жуда ярашади.

Назария ва амалиёт бир қозонда қайнасагина, янгилик вужудга келишига йўл очилади. Владимир Мартюшевдаги қодирликнинг сири ҳам худди шунда. Биргина рационализаторлик таклифининг ўзи ҳозир корхонага минглаб сўм наф келтиряпти.

Корхона цехларида В. Мартюшев каби ишчан, билимдон, ўзига ва бошқаларга талабчан кишилар кўпайиб боряпти. Сирасини айтганда, корхона довруғини ошираётганлар ўшалар. Фарғона «Азот» бирлашмаси коллективи КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан жадаллаштириш талаблари асосида ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Кечиктириб бўлмайдиган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Шу тариқа маҳсулот сифатига нисбатан шикоятлар миқдори кескин камайди. Маҳсулотнинг қатъий стандарт талаби асосида ишлаб чиқарилишига алоҳида эътибор беріляпти.

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида корхонада олиб борилаётган жадаллаштириш тадбирлари таъкидлаб ўтилди. Бу баҳо азамат коллективни меҳнатда янги марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда. Планларини мунтазам бажармай келган «Азот» бирлашмаси фаолиятида бурилиш юз берди.

Ана шу бурилиш чорраҳаларидаги бунёдкорликда, корхона илғор ишчилари ва билимдон мутахассислари каби аммиак цехи катта механиги В. Мартюшев ҳам олдинги сафларда бораётир.



**Суратда: корхона ишлаб чиқаришини қайта қуриш жонкуярларидан бири В. Мартюшев.**

## ХУШХАБАРЛАР

### ЯНГИ МАВСУМГА

**● Попдаги пахта тозалаш заводи «оқ олтин» янги ҳосилини қайта ишлашга тайёр. Бу ерда ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан машина-ускуналар капитал ремонтдан чиқарилди.**

Корхонада ўз муддатини ўтаб бўлган тозалаш ускуналари алмаштирилди, жин цехининг механизмлари янгиланди. Ҳар кеча-кундузда 25 тоннагача қадар толани тойлай оладиган қудратли пресслар монтаж қилинди.

### ШИЙПОНДА ЦЕХ

**● Республиканинг донгдор полизчиси, КПСС XXVII съезди делегати, Бўз районидаги Карл Маркс номли колхоздан Ҳакимжон Абдулхаев бошлиқ бригада далаларининг ёнгинасида полиз маҳсулотларига бирламчи ишлов берадиган цех ишга туширилди.**

Эндиликда полизчилар қовун-тарвузларни қўлда сўймайдиган бўлдилар, завод эса консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хом ашё оладиган бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

19 август куни Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бир группа ишчилари ва инженер-техник ходимларига тантанали вазиятда СССРнинг орден ва медаллари топширилди. Улар бу мукофотларга ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги муваффақиятлари учун сазовор бўлдилар.

Авиация техниги Г. С. Студеникинга Октябрь Революцияси ордени топширилди.

## АФҒОН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

19 август куни Афғонистон мустақиллиги тикланганлигига 67 йил тўлди. Афғон халқининг миллий байрамини Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам кенг нишонладилар. Ана шу шонли санага бағишланган дўстлик кечалари, лекциялар Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида, С. Я. Жук номли «Гидропроект» институти Ўрта Осиё бўлимида ҳамда Афғонистон билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамияти Ўзбекистон бўлимининг бошқа бошланғич ташкилотларида ўтказилди.

Сўзга чиққан нотиқлар Афғонистонда Апрель революциясининг ғалабаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Совет кишилари афғон халқининг империализм ва реакция кучларига қарши адолатли курашини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Бу нутқларда СССР билан АДР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимизнинг туб манфаатларига мос бўлади, тинчлик ва социал тараққиёт ишига хизмат қилаверади, деб ишонч билдирилди.

(ЎзТАГ).

*Озуқа тайёрлашни жадаллаштирайлик*

# САФАРБАРЛИК СЕЗИЛМАЯПТИ

### МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

Вақт шиддат билан ўтиб боряпти. Ҳозир қанчалик тезроқ ҳаракат қилинса, кўп хашак жамғарилса, қиш ташвиши шунча енгиллашади. Бу ҳар бир кишига аён оддий ҳақиқат. Жумладан, Самарқанд район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Раббим Қодировга ҳам! У кишига қўнғироқ қилдик:

— Область партия комитетига берилган оператив маълумот бўйича районда атиги 485 киши хашак жамғаришда қатнашаётган экан...

У сўзимизни бўлди.

— Йўқ, районда 35 минг киши иштирок этяпти.

— Аниқроқ қилиб, хўжаликлар бўйича айтолмайсизми?

— Биз бугунги маълумотда сафарбарликни ҳисобга олмаяпмиз. Кечқурун албатта таҳлил қиламиз.

— Унда қанча одам қатнашаётганлигини қаердан билдингиз?

— Ука, биз ишлаяпмиз, ҳали кўрасиз планлар бажарилади, қишда кўп сут топширамиз. Ўшанда кўз-кўзга тушади...

— Демак, камчилик ҳақида гапирилса, сизларга зиён бўларкан-да?

— Ҳа, кайфиятимиз тушиб кетади, ишимиз юришмай қолади.

Ана, сизга РАПО кенгаши раисининг мулоҳазаси, унинг давр талабларини идрок этиши! Ахир, камчиликларни яшириб, одамларни қуруқ мақтов билан руҳлантириш вақти ўтиб кетганидан у киши наҳотки бехабар бўлсалар?!

Тўғри, районда хашак жамғаришда силжиш бор, лекин барибир ҳақиқий сафарбарлик сезилмаяпти. Самарқанд райони аҳолиси кўплиги жиҳатидан на фақат областда балки республикада олдинги ўринларда туради. Лекин даштликда жойлашган Советобод районида ҳар куни 3—5 минг киши хашак жамғаришда иштирок этаётган бир пайтда Самарқанд районида сусткашликка, таваккалчиликка йўл қўйиш мумкинми. Эҳтимол, Р. Қодиров айтганидай, областда нотўғри маълумот берилгандир. Лекин РАПО кенгаши раиси ҳам ўз сўзини асослай олмади-ку?

Биз қисқа суҳбатдан кейин Куйбишев номли, «Комсомол», Киров номли колхозларда бўлдик. Ким билан суҳбатлашмайлик, одамлар сабзавот йиғим-теримида эканлигини рўкач қилади. Ахир, хашак жамғариш ҳам кечиктирилмас иш-ку! Районда 13 августгача йиллик планнинг 73 проценти ўринлатилган. Беданинг тўртинчи ўрими Иштихон районида 24 процент бўлгани ҳолда Самарқанд районида ҳали бошланмаган.

Сафарбарлик Пастдарғом, Булунғур, Жомбой ва бошқа районларда ҳам талаб даражасида эмас. Пахтачи районининг Охунбобоев номли, Каттақўрғон районининг «Октябрь 60 йиллиги», Ургут районининг «Москва» сингари хўжаликларида умуман сафарбарлик сезилмаётир. Акс ҳолда Пахтачи районидаги Охунбобоев номли колхозда хашак жамғариш плани 43 процент, беда ўрими 6 процентгина бажарилмаган бўлурди.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида Жомбой районида хашак жамғаришда жиддий камчиликлар рўй бераётгани кўрсатиб ўтилди. Хўш, шундан кейин районда аҳвол ўзгардими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. 13 августгача бўлган маълумотда район область кўрсаткичидан 4 процент орқада эди. Беданинг тўртинчи ўрими эндигина 5 процентга бажарилди, холос. «Жомбой» совхозида 2788 тонна ўрнига 1033 тонна хашак жамғарилди. Районда мақталаётган Улуғбек номли совхознинг А. Қаҳҳоров бошқарувчи бўлган 3-бўлимида атиги 44 киши хашак жамғаришда қатнашмоқда. Бўлимнинг Эшпўлат Эгамов бошлиқ бригадасида беданинг учинчи ўримига эндигина киришилди.

Ҳа, сафарбарлик сезилмаган районларда, хўжаликларда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йил худди шу кунларда областда қарийб 24 минг киши ҳашарга чиққан бўлса, бу йил турли тадбирлар белгиланиши, хашак жамғариш ҳафталиги эълон қилинишига қарамай — 13 ярим минг киши чорвадорларга ёрдам беряпти, холос. Агар Самарқанд райони агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Раббим Қодиров айтган 35 минг киши область бўйича бўлганда ҳам аллақачон мўлжалдаги ғарам тикланган бўларди.

Хуллас, вақт ўтиб боряпти. Сафарбарлик эса кучайиш ўрнига тобора сусаймоқда. Бу область партия, совет ташкилотлари раҳбарларини, область агросаноат комитети мутахассисларини ташвишга солмоғи зарур.

**Ж. МАМАТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ ДАМ ОЛИШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Москвадан дам олишга жўнаб кетди.

(ТАСС).

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**«Республика корхоналарида, ташкилотлари ва хўжаликларида давлатни алдаш, қўшиб ёзиш ва статистика ҳисоботларини бузиб кўрсатиш фактлари юзасидан Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси билан Халқ контроли комитетининг хати тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.**

Қарорда таъкидланадики, чоралар кўрилиши ва тегишли ишлар амалга оширилишига қарамай, корхоналарда, ташкилотларда ҳамда айрим министрликлар ва идораларнинг хўжаликларида, республикадаги бир қанча областларда давлат интизомини қўпол равишда бузиш, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, шунингдек, хўжалик раҳбарлари фаолиятига объектив баҳо бермаслик, уларнинг хатти-ҳаракатларига кўнгилчанлик билан муносабатда бўлиш фактлари ҳамон давом этмоқда.

1986 йил биринчи ярмида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги, савдо системасининг текшириш ўтказилган кўпгина корхоналарида қўшиб ёзишлар ва ҳисоботларда кўрсатмаслик фактлари аниқланди. Бундай фактлар саноат, автомобиль транспорти корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ва колхозларда кўпроқ аниқланди.

СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлигига қарашли «Ташавтоматика» заводида (директори И. К. Волошин) катта миқдорда қўшиб ёзишлар аниқланди. Шу йилнинг биринчи ярми давомида товар маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилишига 1,3 миллион сўмлик маҳсулот ёки ярим йиллик ҳисоботда кўрсатилган миқдорнинг ярми қўшиб ёзилган. Шу вақт ичида реализация қилинган маҳсулот ҳажмига 570 минг сўм қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг (ўртоқ Г. Г. Исаев) 13 та корхонаси текшириб кўрилганида уларнинг 11 тасида маҳсулот етказиб беришни ҳам ҳисобга олиб, маҳсулотни реализация қилиш тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ошириб кўрсатиш фактлари аниқланди. Бунинг оқибатида раҳбар ходимларга асоссиз равишда 2,6 минг сўм мукофот тўланган. «Ташкентмрамор» бирлашмасида текшириш вақтида шу йилнинг иккинчи кварталида қўшиб ёзишлар аниқланди. Шунга қарамай, министрлик раҳбарлари бу корхонани социалистик мусобақада мукофотли ўринга номзод қилиб кўрсатди.

Янги ерларни сифатсиз, улардан нормал фойдаланишга тўсқинлик қилувчи жиддий камчиликлар билан фойдаланишга топшириш-дек давлат манфаатларига зид практика ҳамон давом этмоқда. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига қарашли «Наманганводстрой» тресті 1986 йилнинг январь-апрель ойларида ўзлаштирган ва ҳисоботга киритган 2047 гектар янги ернинг 400 гектари ёки 19 проценти катта камчиликлар билан фойдаланишга топширилган.

Тошкент ва Наманган областларида сут етиштириш ҳақидаги ҳисоботларга, Самарқанд областида сут ва сабзавот етиштириш тўғрисидаги ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги очиб ташланди.

Гўшт тайёрлаш планини бажаришда кўзбўямачиликка йўл қўйилмоқда. Бир қанча хўжаликлар ҳамон аҳолидан молларни сотиб олиб, уларни сўкимга боқмасдан тайёрлаш ташкилотларига топширмоқда ва уларни гўшт тайёрлаш планини бажариш ҳақидаги ҳисоботга қўшмоқда. Экиш планларини бузиш, баъзи экинларни бошқа экинлар ҳисобига планга қўшимча экиш ҳолларига барҳам берилмаган.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги (ўртоқ В. П. Куксенко) корхоналарида 1986 йилнинг январь-февраль ойларидагина текширилган 18 та корхонадан 17 тасида фактлар бузиб кўрсатилганлиги ва қўшиб ёзилганлиги аниқланди, 1986 йилнинг биринчи ярмида 1,5 миллион сўм министрлик корхоналарининг планлари бажарилишидан олиб ташланган.

Қарорда айрим партия органлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари давлатни алдаш фактларига тегишлича баҳо бермаётганликлари, қўшиб ёзишда айбдор бўлган мансабдор кишиларга нисбатан принципсизлик қилаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Янгийўл районидаги Халқобод механизация устахонасининг директори К. Содиқов товар маҳсулот ҳажмига 1986 йил январь-апрель ойлари учун 107 минг сўм қўшиб ёзган. Лекин район партия комитети унинг бу хатти-ҳаракатларига тегишли баҳо бермади. Тошкент областидаги Новомихайловск луб заводи раҳбари Ҳ. М. Мустафоқулов 1985 йилда реализация қилинган маҳсулот ҳажмини 68 минг сўм кўпайтириб кўрсатган. Мустафоқулов район партия комитети контрол қилмаётганлигидан фойдаланиб, шу йилнинг биринчи кварталида ҳам фактларни бузиб кўрсатиб, ҳисоботга 28 минг сўм қўшиб ёзди ва фақат шундан кейингина қаттиқ огоҳлантирилди. Республиканинг бошқа областларида ҳам шунга ўхшаш фактлар аниқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида партия ва совет органлари, министрликлар ва идоралар амалга ошираётган ишлар ҳозирча давлатни алдаш, экономикага раҳбарликнинг партиявий принципларини бузиш фактлари таг-томири билан тугатилишини таъминлай олмаётганлиги уқтирилади. Бошланғич партия ташкилотларида кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишга, статистика ҳисоботларини бузиб кўрсатишга йўл қўяётган коммунист раҳбарларга нисбатан муросасозлик давом этмоқда. Мазкур практикани жуда қаттиқ қоралаш керак.

Аниқланган қўшиб ёзиш ва статистика ҳисоботларини бузиб кўрсатиш фактлари юзасидан партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, республика халқ контроли комитети айбдор мансабдор шахсларни маъмурий ва моддий жавобгарликка тортганлиги, давлатга етказилган зарарни ундириб олиш чоралари кўрилганлиги эътиборга олинди.

Шу масала юзасидан ўтказилган текшириш натижалари Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган ва Хоразм область партия комитетлари бюросида, министрликлар ва идораларнинг коллегияларида муҳокама қилиниб, айбдор кишилар жазоланганлиги таъкидланди.

Марказий аппаратнинг фонд интизомига риоя этиш хусусидаги ишини етарли контрол қилишни таъминламаганлиги, маҳсулот етказиб бериш планлари бажарилиши ҳақидаги ҳисобот маълумотларини ошириб кўрсатиш ва ходимларни асоссиз мукофотлашга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри ўртоқ Г. Г. Исаев қаттиқ огоҳлантирилди.

Корхонага қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш планларини бажаришда мунтазам қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка йўл қўйганлиги учун СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлигига қарашли «Ташавтоматика» заводининг директори КПСС аъзоси И. К. Волошин партия сафидан ўчирилди ва вазифасидан бўшатилди. Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетининг заводга тегишлича раҳбарликни таъминлай олмаганлиги, бу билан сифатсиз маҳсулот чиқарилишига кўмаклашганлиги учун И. К. Волошинга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилиш ҳақидаги қарори кўнгилчанлик, деб ҳисобланиб бекор этилди.

Тошкент область партия комитетига Янгийўл районидаги Халқобод механизация устахонасининг директори К. Содиқов билан Новомихайловск луб заводининг директори Ҳ. М. Мустафоқулов жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ва Халқ контроли комитетига давлат ҳисоботлари тўғрилигини тағин ҳам пухтароқ ва чуқурроқ текшириш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ҳолларининг ҳар бирини объектив текшириш, аниқланган фактлар ҳақида маҳаллий партия ва совет органларини дарҳол хабардор қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область партия комитетлари зиммасига давлатни алдаш, кўзбўямачилик ва статистика ҳисоботларини бузиб кўрсатишга қарши курашда коммунистлар жавобгарлигини ошириш юзасидан таъсирчан чораларни кўриш вазифасини юклади. Бундай ҳоллар аниқланган тақдирда айбдорларга нисбатан уларни КПСС сафидан ўчириш ва жиноий жавобгарликка тортишгача принципиал чора кўрилсин. Ҳамма бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида давлат интизомини бузувчиларга нисбатан муросасизлик муҳити вужудга келтирилиши керак.

